

## VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бўлимлари маълумотлар базаси асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базаси шакллантирилади.


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 46548 тани ташкил қилиб, шундан 40407 таси ёки 86,8 % фаолият кўрсатмоқда.



Рўйхатдан ўтган 46548 та корхоналар ва ташкилотларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8321 тага ёки 21,8 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.



## Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 12096 та (26,0 %), саноатда 8141 та (19,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5184 та (11,1 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3726 та (8,0 %) ва қурилишда 3706 та (8,0 %) соҳаларига тўғри келади.



**2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>
<b>Жами</b>	<b>46548</b>	<b>100,0</b>	<b>40407</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5184	11,1	4439	11,0
саноат	9141	19,6	7927	19,6
қурилиш	3706	8,0	3161	7,8
савдо	12096	26,0	10367	25,7
ташиш ва сақлаш	1582	3,4	1359	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3726	8,0	3101	7,7
ахборот ва алоқа	632	1,4	489	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	708	1,5	666	1,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	9773	21,0	8898	22,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,3 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 18,7 % хусусий корхоналар, 3,2 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 % акциядорлик жамиятлари ва 78,0 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши**  
(январь-март, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)



2020 йил январь-мартда жами 2295 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2244 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,5 %), Қибрай (7,7 %), Ўртачирчиқ (6,8 %), Тошкент (6,2 %), Юқоричирчиқ (5,2 %), Бўстонлик (4,9 %) ва Янгийўл (4,9 %) туманлари ҳамда Чирчиқ (5,2 %) шаҳарига тўғри келди.


**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича йиллар кесимида тақсимланиши, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 36,6 % савдо, 18,4 % саноат, 12,5 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 9,4 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда 8,0 % қурилиш соҳаларига тўғри келади.




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони, бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Ҳисобот даврида 280 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 0,4 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2020 йил 1 апрель ҳолатига 40,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 28,4 мингта, хусусий корхона – 8,0 мингта, оилавий корхона – 3,5 мингта, бошқа тижорат корхоналари - 0,8 минг тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг  
ташкилий ҳуқуқий шакллари  
( январь-март жамига нисбатан %да)**



**Масъулияти чекланган жамиятлар:** 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 24893 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5928 тага ёки 31,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга ўтган масъулияти чекланган жамиятлари  
тўғрисида маълумот**




**Хусусий корхоналар:** 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 6260 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 500 тага ёки 8,7 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга олинган хусусий корхоналари тўғрисида маълумот**



**Оилавий корхоналар:** 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 3086 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1248 тага ёки 67,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга олинган оилавий корхоналари тўғрисида маълумот**



2020 йилнинг январь-март ойларида жами 2248 та янги тижорат корхоналар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 2244 та). Янги ташкил топган тижорат корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,5 %), Қибрай (7,7 %), Ўртачирчиқ (7,9 %) Тошкент (6,4 %) ва Юқоричирчиқ (5,2 %) туманлари ҳамда Чирчиқ(5,2 %) шаҳрига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг асосий қисми 37,3 % савдо, 18,8 % саноат, 12,7 % кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 9,6 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 154 та тижорат корхоналар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 0,6 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 1217 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 304 тага ёки 33,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

### Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарни асосий қисми Зангиота 150 та (жамидаги улуши 12,3 %), Қибрай 121 та (9,9 %), Юқоричирчиқ 99 тани (8,1 %), Ангрен шаҳрида 81 та (6,7 %), Ўртачирчиқ 80 тани (6,6 %), Чирчиқ шаҳрида 79 та (6,5 %), Янгийўл 72 тани (5,9 %) ва Оҳангарон туманларида 70 та (5,8 %) ташкил этилган. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Бўка, Бекобод 10 тадан (0,8 %), Оққўрғон 11 та (0,9 %), Пискент 16 та




(1,3 %), Чиноз 20 та (1,6 %) ва Паркент туманларида 23 та (1,9 %) ҳамда Бекобод шаҳрида 21 та (1,7 %) ташкил этган.

### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар кесимида сони,бирликда



### Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида корхоналар улуши, %



2020 йил январь-март ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 58 тани ташкил этди. Бунда, асосан Туркия Республикаси резидентлари капитали иштирокида-14 та, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси-9 тадан, Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон Республикаси-4 тадан, Жанубий Корея Республикаси-3 та ва 19 та бошқа мамлакатларга тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши  
(2020 йил 1 апрель ҳолатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
<b>Жами</b>	<b>1217</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	116	9,5
Саноат	700	57,5
Қурилиш	52	4,3
Савдо	195	16,0
Ташиш ва сақлаш	18	1,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	26	2,1
Ахборот ва алоқа	6	0,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	12	1,0
Бошқа фаолият турлари	92	7,6

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 1217 та корхоналарнинг 700 таси (57,5 %)-саноат, 195 та (16,0 %)-савдо, 116 таси (9,5 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 52 та (4,3 %)-қурилиш, 26 та (2,1 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 18 та (1,5 %) -ташиш ва сақлаш, 12 та (1,0 %)-соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 6 та (0,5 %)-ахборот ва алоқа ҳамда 92 та (7,6 %) бошқа фаолият турлари соҳасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида ҳудудлар бўйича тақсимланиши  
(2020 йил 1 апрель ҳолатига)**

Туман ва шаҳарлар	Жами	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташини ва сақлаш	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Ахборот ва алоқа	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Бошқалар
<b>Тошкент вилояти</b>	<b>1217</b>	<b>116</b>	<b>700</b>	<b>52</b>	<b>195</b>	<b>18</b>	<b>26</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>92</b>
<i>туманлар:</i>										
Оққўрғон	11	1	8	1	0	0	0	0	0	1
Охангарон	70	10	50	1	5	0	0	0	0	4
Бекобод	10	3	6	0	0	0	0	0	0	1
Бўстонлик	45	14	12	2	4	1	5	0	0	7
Бўка	10	2	3	0	3	0	1	0	0	1
Қуйичирчиқ	46	8	28	2	5	0	0	1	0	2
Зангиота	150	8	59	4	53	4	4	1	2	15
Юқоричирчиқ	99	9	64	3	18	1	0	0	1	3
Қибрай	121	16	58	6	24	1	2	1	2	11
Паркент	23	3	14	2	0	0	1	0	1	2
Пискент	16	3	10	1	1	0	0	0	0	1
Ўртачирчиқ	80	19	38	5	8	1	3	1	2	3
Чиноз	20	2	15	0	3	0	0	0	0	0
Янгийўл	72	5	44	2	16	2	2	0	0	1
Тошкент	66	5	37	0	17	4	1	0	1	1
<i>шаҳарлар:</i>										
Нурафшон	56	3	29	12	2	0	2	0	0	8
Олмалиқ	44	3	23	1	8	0	2	0	0	7
Ангрен	81	1	61	3	8	2	1	0	0	5
Бекобод	21	0	16	0	1	2	0	1	0	1
Охангарон	42	0	34	0	3	0	0	0	0	5
Чирчиқ	79	1	51	4	7	0	2	1	3	10
Янгийўл	55	0	40	3	9	0	0	0	0	3

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



## 2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

